

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Фаргона вилоят ҳокимлиги

"Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати" директори

Ҳ.Долимов

**ҚУРИЛИШНИНГ ТИТУЛ РЎИХАТИ**

Ўзбекистон тумани Оқтепа МФИдаги 24-сонли умумтаълим мактаб филиали ҳудудида 90қринли ўқув биносини қуриш

2022 йил Манзилли дастурига асосан

1 Бўлим. Қурилиш бўйича асосий маълумотлар

1.Объектлар номи ва манзили	Ўзбекистон тумани Оқтепа МФИдаги 24-сонли умумтаълим мактаб филиали ҳудудида 90қринли ўқув биносини қуриш				
2.Соҳа	ТАЪЛИМ				
3.Инвестор					
4.Буюртмачи	Вилоят ҳокимлиги "Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати"				
5.Ишлаб чиқувчи:					
5.1. ТИА					
5.2. ЛСЖ ва/ёки ТЖ	"Фарғона Гарант Лойиҳа Сервис" ХК				
5.3.Экспертиза	"Шахарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК Фарғона вилояти				
6.Пудратчи	"Бунёдкор Махсус Инвест" ХК				
7.Молиялаштириш манбаси	Маҳаллий бюджет				
8.Қурилиш бошланиш ва фойдаланишга топшириш йили	2022-2022				
9.Қурилишнинг асосий кўрсаткичлар	Объектнинг умумий қиймати	01.01.2022й ҳолатига қолдиқ			
Лойиҳа қуввати (тегишли бирликлар бўйича)	1 объект	1 объект			
Асосий фондлар	1174,076	1174,076			
Капитал қўйилмалар	1174,076	1174,076			
Қурилиш - монтаж ишлари	1083,472	1083,472			
Жихоз					
Буюртмачи бошқа ҳаражатлари	56,160	56,160			
Буюртмачи сақлаш ҳаражатлари	34,444	34,444			
2022 йил тасдиқланган манзилли дастурига асосан ажратилган лимит	жорий нархда млн.сўм.				
Топшириладиган қувват (тегишли бирликлар бўйича)	1 объект				
Асосий фондлар	1174,076				
Капитал қўйилмалар	1119,902				
Қурилиш - монтаж ишлари	1029,298				
Жихозлаш					
Буюртмачи бошқа ҳаражатлари	56,160				
Буюртмачи сақлаш ҳаражатлари	34,444				
2 Бўлим. 2022 йил чораклар кесимида ажратилган лимит	(жорий нархда млн.сўм)				
	ЖАМИ	шу жумладан:			
		I чорак	II чорак	III чорак	IV чорак
Топшириладиган қувват (тегишли бирликлар бўйича)	1 объект				1 объект
Асосий фондлар	1174,076				1174,076
Капитал қўйилмалар	1119,902			162,521	957,381
Қурилиш - монтаж ишлари	1029,298			162,521	866,777
Жихозлаш					
Буюртмачи бошқа ҳаражатлари	56,160				56,160
Буюртмачи сақлаш ҳаражатлари	34,444				34,444

ЛОЙИХАНИНГ АСОСИЙ МАЪЛУМОТЛАРИ

(буюртмачи тўлдиради)

1. Инвестиция лойиҳани амалга ошириш Вилоят халқ депутатлар кенгашининг 15.06.2022й.
VI-45-74-11-0-К/22-сонли қарори ва 2022 йил Манзиллий Дастурига асосан
(инстанциянинг номи ва қабул қилган қарорнинг рақами ва санаси)
2. Лойиҳанинг экспертиза хулосаси 19.08.2022й №53761
(хулосанинг рақами ва санаси)
3. ТИА (ЛСЖ) тасдиқланган Вилоят ҳокими ўринбосари томонидан
(ТИА (ЛСЖ) тасдиқлаш қарорининг рақами ва санаси)
4. Қачон тендер (танлов) ўтказилди Лот №152098, 28.09.2022й
(санаси)
5. Тендер (танлов) ёлиби "Бунёдкор Махсус Инвест" ХК
(Қурилиш пудрат ташкилоти номи)
6. Шартнома 30.09.2022й №570 1083,472 млн.сўм.
(рақами, санаси ва қиймати)
7. Лойиҳа ҳужжатларини қурилиш-монтаж ишлари билан параллел равишда олиб бориш рухсатнома
(инстанциянинг номи ва рухсатноманинг рақами ва санаси)
8. Тендерсиз лойиҳани амалга ошириш рухсатномаси
(инстанциянинг номи ва рухсатноманинг рақами ва санаси)
9. Лойиҳанинг қисқача маълумот ва мақсади
Ўзбекистон тумани Оқтепа МФЙдаги 24-сонли умумтаълим мактаб филиали ҳудудида
90 ўринли ўқув биносини қуриш
10. Молиялаштириш схемаси пул ўтказиш
11. Импортга талаб ташкил этади

- жиҳозлар сотиб олишга	_____	млн. АҚШ дол. шу жумладан:
- хом ашё сотиб олишга	_____	млн. АҚШ дол.;
- бажарилган иш ва хизматлар	_____	млн. АҚШ дол.;
- чет эл кредитини қоплашга	_____	млн. АҚШ дол.;
	_____	млн. АҚШ дол.

БУЮРТМАЧИ

Директор ўринбосари



ПУДРАТЧИ

"Бунёдкор Махсус Инвест" ХК

А.Мурзаяров



Раҳбари

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Фарғона вилоят ҳокимлиги «Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати» номидан Низом асосида иш кўрувчи директори Ҳ.Долимов бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «Бунёдкор Махсус Инвест» хусусий корхонаси номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари А.Мурзаяров иккинчи томондан «Ўзбекистон тумани, Оқтепа МФИдаги Сарбон кўчаси 29-уйда жойлашган 24-сонли умумтаълим мактаби филиали ҳудудидаги бўш ер майдонида 90 ўринли ўқув биноси қуриш» объектига доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I.Тарифлар

1.Мазкур шартномада қуйидаги тарифлар қўлланилади:

ижро ҳужжатлари — натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;**қурилиш майдони** — мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;**вақтинчалик иншоотлар** — Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;**беркитиладиган ишлар** — сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;**шартнома нарҳини бўлиб чиқиш** — ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш (ишлар бажариш ва молиялаштириш жадваллари).

II.Шартнома мавзуси

2.Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан "Ўзбекистон тумани, Оқтепа МФИдаги Сарбон кўчаси 29-уйда жойлашган 24-сонли умумтаълим мактаби филиали ҳудудидаги бўш ер майдонида 90 ўринли ўқув биноси қуриш" объектида лойиҳада кўзда тутилган ишларни бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ҳазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III.Шартнома бўйича ишлар қиймати

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар юзасидан ЛОТ-152098 бўйича ўтказилган танловнинг 2022 йил 28 сентябрь кунги баёни билан тасдиқланган ишлар қиймати қўшимча қиймат солиғи ва 12 % ЯИТни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда **1 083 471 556** (бир миллиард саксон уч миллион тўрт юз етмиш тўрт бир минг беш юз эллик олти) сўмни ташкил этади.

4.Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:- қурилиш қийматини кўпайтириш ёнгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;-ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;-объектнинг қурилиши бир йилдан ортиқча ўзгартирилганда.

5.Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6.Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV.Пудратчининг мажбуриятлари

7.Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

-барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга " " иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нарҳидаги ишларни энг камида 50 % ўз кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ва унга ҳисоботларни ойма-ой буюртмачига топшириш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ муддатида тугатиб топшириш;- иловага мувофиқ қурилиш майдонида зарур қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омондорга жойлаш ва сақлаш; қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;-қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган даракларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироқлари ўрнатиш;-қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;-мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;-қурилиш майдони қўриқланишини таъминлаш;-мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8.Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан (қурилиш ишларининг 50 % дан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши, шунингдек, объектда бажарилган ишлар юзасидан тўлиқ ҳисоботларни ва объектни фойдаланишга қабул қилиш ҳақидаги ишчи ҳайъати далолатномасини расмийлаштириб, Буюртмачига тақдим қилади ҳамда объектни фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулқий жавоб беради.

V.Буюртмачининг мажбуриятлари

9.Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:-мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, уч кун муддатда мазкур шартномага 2-иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;-ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;-Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;-Объект махсус ҳисоб варағига маблағлар берилганидан сўнг молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;-мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;-мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

VI.Ишларни бажариш муддатлари

10.Шартнома:-миллий валюта «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда — томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;-кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда — шартнома қонун ҳужжаларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

11.Пудратчи мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12.Қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 100 кунни ташкил этади ва объект 2022 йил " " да фойдаланишга топширилади.

13.Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII.Тўловлар ва ҳисоб-китоблар.

14.Вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ҳазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдорида, икки ойга тенг улушларга (ойига 15 фоиздан) бўлган ҳолда аванс ўтказиш, бу 162 520 733 х 2 = 325 041 466 (уч юз йигирма беш миллион қирқ бир минг тўрт юз олти миш олти) сўмни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун объект махсус ҳисоб рақамига маблағлар ажратилганидан сўнг ойлик бажарилган ишлар ҳисоб-фактуралари ҳамда молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (1,2 илова).

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин берилган авансни пропорционал равишда ушлаб қолинган ҳолда, ойма-ой бажарилган ишлар учун Вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Фазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг объект умумий шартномавий жорий қийматининг 95 фоизигача доирасида амалга оширилади.

17. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб, яъни объектнинг шартномавий жорий қийматининг 5% қурилиш тугалланган объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан сўнг, кафолатли муддат тамом бўлгандан кейин, вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Фазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг, Пудратчи томонидан объектнинг фойдаланувчисидан кафолат муддатида объектда камчиликлар аниқланмаганлиги ҳамда кафолат суммасини тўланишига эътирози йўқлиги ҳақидаги маълумот тақдим этилгандан кейин амалга оширилади, ушбу ҳужжатлар Пудратчининг айби билан ўз вақтида Буюртмачига тақдим этилмаганлиги сабабли даъво муддати ўтган ёки ажратилган маблағ бюджетга қайтганлиги сабабли тўлов амалга оширилмаган ҳолларда Буюртмачи Пудратчи олдида мулкӣ ва бошқа тусда жавобгар ҳисобланмайди.

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VIII. Ишларни бажариш

20. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

21. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

22. Пудратчи техник аудиторни ишлаши учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

26. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

27. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

28. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради. Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

30. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қўрилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларига мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

32. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб, уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва «Давархитектқурилишназорат» инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг «Давархитектқурилишназорат» инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса ва уларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда ўз ҳисобидан қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 34-бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

37. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради, озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

38. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб бермаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилиш тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади. Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарига ўз фикрини баён қилади. Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни уч кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

IX. Ишларни қўриқлаш.

39. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш ҳудудига материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

40.Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

Х.Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

41.Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

42.Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

43.Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI.Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш

44.Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан, яъни Пудратчи объектни фойдаланишга қабул қилиш ҳақидаги ишчи ҳайъати-далолатномасини расмийлаштириб, Буюртмачига тақдим қилгандан сўнг амалга оширилади.

45.Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 5 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

46.Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

47.Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади фойдаланувчига 1-ой муддат ичида топширилиши шарт.

XII.Кафолатлар

48.Пудратчи: -барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;-лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни сифатли бажарилишини таъминлаши лозим;-ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;-ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;-объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

49.Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 1 йил этиб белгиланади.

50.Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

51.Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Давархитектқурилишназорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иқтисодий судга мурожаат қилишини истисно этмайди.

XIII.Шартномани бекор қилиш

52.Буюртмачи:-шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;- Пудратчи пудрат шартномасини бажаришга ўз вақтида киришмаса ёки ишни суғ бажариши натижасида уни белгиланган муддатда тугатиш мумкин эмаслиги аниқ бўлиб қолса, Буюртмачи иш натижаси ўзига белгиланган тартибда тўлиқ ва сифатли шаклда топширилгунга қадар истаган вақтида шартномадан воз кечиши мумкин.Шартномани бекор қилишга қарор қилган томон иккинчи томонга ёзма равишда билдиришнома юборади.Буюртмачи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

53.Пудратчи:ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

54.Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

55.Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон иккинчи томонга 3 кун олдин ёзма билдиришнома юбориши шарт.

56.Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

57.Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIV.Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

58.Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

59.Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, объект ҳисоб рақамига маблағлар берилгандан сўнг ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.Вилоят молия бошқармасидан объектнинг Фазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ берилмаганлиги сабабли, тўловни амалга оширмаганлиги учун Буюртмачи Пудратчи олдида мулкий жавобгар бўлмайди ва пенялар ҳам ҳисобланмайди.

60.Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 350-моддаси 1-қисмига кўра, буюртмачининг мажбуриятлари қуйидаги ҳолларда бекор бўлади, агар давлат органининг ҳужжати чиқиши натижасида мажбуриятни бажариш тўлиқ ёки қисман мумкин бўлмай қолса, мажбурият тўлиқ ёки унинг тегишли қисми бекор бўлади.

61.Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

62.Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

63. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давархитектқурилишназорат» инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиси, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 100 фоизи миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

64. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган ҳаражатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

65. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XV. Коррупцияга қарши курашишга доир мажбурий шартлар

65. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар:

-коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига зид бўлган ҳар қандай ҳатти-ҳаракатларни амалга оширмаслиқ;

-шу жумладан, пора таклиф қилмаслиги, ваъда бермаслиги, товламачилик қилмаслиги, тўғридан-тўғри ёки билвосита пора олишга, яъни моддий бойликлар ёки мулкий имтиёзларни олишга розилик бермаслиги, пора берувчининг манфаатлари йўлида компания ходими ўз лавозимидан фойдаланган ҳолда амалга ошириши ёки амалга ошириши мумкин бўлган муаян ҳаракатларни бажармаслиги шарт;

-томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш учун чоралар кўрилишини кафолатлайдилар;

-агар томонлар шартномани бузилишига дуч келса, шунингдек, Буюртмачи ходимларининг ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлган ҳатти-ҳаракатлари, шу жумладан коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этганлиги ҳақида алоқа каналларига мурожаат қилиши мумкин.

XVI. Низоларни ҳал қилиш

66. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро ҳал этолмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Фарғона туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

XVII. Алоҳида шартлар

67. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

68. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

69. Мазкур шартномага барча ўзгариш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

70. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

71. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишларни якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасига бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

72. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

73. Мазкур шартнома Фарғона вилоят Ҳазначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга кириди ҳамда 2023 йил 31 декабргача амалда бўлади. Шартнома 3 (уч) нусхада тузилди. Учала нусха айнан бир хил ва тенг юридик кучга эга.

Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

“Пудратчи”

“Бунёдкор Махсус Инвест” хусусий корхонаси

Манзил: Кувасой шаҳар А.Азизов кўчаси

225/52

х/р: 20208000400991185001

Банк номи: “Инвестфинансбанк” Фарғона

бўлими

Тел: 97-418-14-48

МФО: 01128

СТИР: 306070645

Рахбар:

А.Мурзаяров

“Буюртмачи”

Фарғона вилоят ҳокимлиги «Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати»

Манзил: Фарғона ш. Темирийўл к. 37 уй

Тел./факс: 224-52-24

шҲХ: 100021860304018098805005022.

СТИР: 204 816 336

ОКЭД-70220

Фарғона вилояти бўйича Ҳазначилик бошқармаси

ЯҲХ: 23 402 000 300 100 001 010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ҲККМ)

МФО: 00094 Ҳазначилик бўлини масининг

СТИР: 201 125 045

Рахбар:

Ҳ.Долимов

Ҳуқуқий ҳулоса

Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа меъёрий ҳужжатларга асосланган ҳолда тўғри тузилган. Шартнома бўйича томонлар ўртасидаги мажбуриятларни бажариш муддати, предмети, нархи ва жавобгарлик шартлари келишиб олинган. Шартномани имзолаш мумкин.

Бош юристконсульт

М.М.Маматқулов

Ҳуқуқий ҳулоса

Буюртмачи вилоят ҳокимлиги «Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати» ва пудратчи «Бунёдкор Махсус Инвест» хусусий корхонаси ўртасида тузилган 2022 йил "30" IX кунги 570-сонли пудрат шартномада "Ўзбекистон тумани, Оқтепа МФЙдаги Сарбон кўчаси 29-уйда жойлашган 24-сонли умумтаълим мактаби филиали ҳудудидаги бўш ер майдонида 90 ўринли ўқув биноси қуриш" ишларини бажариш белгиланган. Шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни бошқа меъёрий ҳужжатларга асосланган ҳолда тўғри тузилган. Шартнома бўйича томонлар ўртасидаги мажбуриятларни бажариш муддати, предмети, нархи ва жавобгарлик шартлари келишиб олинган. Шартномани имзолаш мумкин.

Пудратчи юристи

М.у.

МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ

маҳаллий бюджет ҳисобидан


Ўзбекистон тумани Оқтепа МФИдаги 24-сонли умумтаълим мактаб филиали ҳудудида 90қринли ўқув биносини қуриш

	Молиялаштириш шартлари	2022 йил												2023 йил	Жами
		январ	фев	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь		
1	<u>Шартнома бўйича ишлар</u> <u>умумий жорий қийматидан</u> <u>30% аванс</u>									162,521	162,521			325,042	325,042
2	<u>Жорий молиялаштириш</u> <u>берилган авансни</u> <u>пропорционал равишда</u> <u>ўшлаб қолган ҳолда</u>										281,703	352,129	70,424	704,256	704,256
	Ж А М И									162,521	444,224	352,129	70,424	1 029,298	1 029,298
3	<u>5% кафолат суммаси</u>												54,174	54,174	54,174
	ЖАМИ ОБЪЕКТ БЎЙИЧА									162,521	444,224	352,129	70,424	1 029,298	1 083,472

(млн.сўмда)



БҮЮРТМАЧИ:



ПУДРАТЧИ:

ГРАФИК ПРОИЗВОДСТВО РАБОТ ПО ОБЪЕКТУ

«Ўзбекистон тумани октепа МФЙ Сарбон кучаси 29-уй 24-сонли умумий урта таълим мактаб филиали ҳудудидаги буш ер майдонида 90 урингли укув биноси куриш»

№	Наименование и виды работ	Стоимость работ по договору	октябрь	ноябрь	декабрь
1	Общестроительные работы	1 083 471 556	433 388 622	541 735 778	108 347 156
	ИТОГО ПО ОБЪЕКТУ	1 083 471 556	433 388 622	541 735 778	108 347 156



[Handwritten signature]

ЗАКАЗЧИК

ПОДРЯДЧИК

[Handwritten signature]



Курилиш таваккалчиликларини мажбурий суғурта қилиш

ПОЛИСИ


«Ўзбекинвест» экспорт-импорт суғурта компанияси АЖ Курилиш таваккалчиликларини мажбурий суғурта қилиш шартномасига мувофик «Фарғона вилояти, Ўзбекистон тумани, Оқтепа МФЙда Сарбон кўчаси, 29-уйда жойлашган 24-сонли умумтаълим мактаби филиали ҳудудида бўш ер майдонида 90 ўринли ўқув биносини» қуриш ишларини амалга оширишда қуйидаги таваккалчиликлардан суғурта ҳимоясини тақдим этади: ёнғин, чاقмоқ, портлаш, учувчи аппаратларнинг қулаши, ўз-ўзидан ёниш, ўзгирлик ва учинчи шахсларнинг қасоддан содир этган ҳаракатлари, сув тошқини ва сув босиши, қувурларнинг ёрилиши, бўрон, довул, zilзила, сел, кўчки, тупроқнинг чўкиши, ўпирилиш, қулаш, қисқа туташув, ортиқча кучланиш, электр ёйлари, машина ва механизмлар, қурилиш материаллари ва конструкцияларнинг қулаб тушиши, нуқсонли материаллар ва конструкцияларни онгсиз равишда қўллашдан кўрган зарар, қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда учинчи шахслар олдида фуқаролик жавобгарлиги пайдо бўлиши.

Юридик шахс номи:	“BUNYODKOR MAXSUS INVEST” ХК СТИР: 306 070 645
Суғурта пули:	886 777 245,0 (Саккиз юз саксон олти миллион етти юз етмиш етти минг икки юз қирқ беш) сўм
- моддий зарар бўйича:	866 777 245,0 (Саккиз юз олтмиш олти миллион етти юз етмиш етти минг икки юз қирқ беш) сўм
- жавобгарлик бўйича:	20 000 000.0 (йигирма миллион) сўм
Суғурта мукофоти:	486 000 (Тўрт юз саксон олти минг) сўм

«Ўзбекинвест» экспорт-импорт суғурта компанияси АЖнинг Шартнома бўйича мажбуриятлари 2022 йил 03 октябрида кучга кирази ва 2023 йил 10 январигача амалда бўлади.

«Ўзбекинвест» ЭИСК
Фарғона вилояти филиали
номидан

Рўйхат рақами:
№13-00/0191178219
2022 йил 03 октябр



Ф.Муратов

(подпись)

Ko'rsatilayotgan xizmatlar yuzasidan barcha shikoyat, e'tiroz yoki takliflar bo'yicha siz kompaniyaning 24 soat davomida har kuni ishlovchi maxsus xizmatiga call-center ga murojaat etishingiz mumkin.
Maxsus xizmatning telefon raqami (71) 207-60-00

UZBEKINVEST GK 20	Қурилиш таваккалчиликларидан мажбурий суғурта қилиш шартномаси	FK-141_K8_K9_K13Uz Бетлар: 8 дан 1-бет Сана: 10.07.2009й.
------------------------------------	---	--

**«ЎЗБЕКИНВЕСТ»
ЭКСПОРТ-ИМПОРТ СУГУРТА КОМПАНИЯСИ**
Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 2

**Қурилиш таваккалчиликларидан мажбурий суғурта қилиш
ШАРТНОМАСИ №13-00/0191178219**

Фаргона шаҳри

2022 йил «03» октябр

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2020 йил 11 декабрдаги СФ №000006 лицензияга мувофиқ фаолият олиб борувчи, кейинги ўринларда «Компания» деб аталувчи «Ўзбекинвест» экспорт-импорт суғурта компанияси номидан «Ўзбекинвест» ЭИСКнинг Филиал тўғрисидаги низоми ҳамда ишончнома асосида иш юритувчи филиал менежери **Ф.Муратов** бир томондан ва кейинги ўринларда «Суғурталанувчи» деб аталувчи **“BUNYODKOR MAXSUS INVEST” ХК** номидан Низом асосида иш кўрувчи директор **А.Мурзайаров** иккинчи томон бўлиб Ушбу Шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

1-БЎЛИМ. ШАРТНОМА МАВЗУИ

Суғурталанувчи суғурта мукофотини ушбу Шартномада кўрсатилган миқдор ва муддатларда тўлаши эвазига Компания ушбу Шартномада назарда тутилган шартларга ва/ёки ушбу Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган қўшимча келишилган шартлар, истиснолар ҳамда иловаларга мувофиқ, суғурта ҳодисаси юз берганда Суғурталанувчига ёки Наф олувчига етказилган зарарни қуйида келтирилган ҳажмда ва муддатда қоплаш мажбуриятини олади.

2-БЎЛИМ. ТАЪРИФЛАР

Ушбу Шартномада фойдаланилган атамаларнинг бошқа маънолари алоҳида келишиб олинмаган бўлса, улар қуйидагича таърифланади:

2.1. Суғурта полиси – ушбу Шартнома кучга кирганлигини тасдиқлайдиган, Суғурталанувчи суғурта мукофотини ёки унинг биринчи қисмини тўлаганидан кейин унга бериладиган ҳужжат.

2.2. Суғурта пули – ушбу Шартноманинг 5.1-бандида кўрсатилган бўлиб, Компаниянинг ушбу Шартнома бўйича Суғурталанувчи олдидаги жавобгарлигининг чегарасини билдирувчи пул маблағлари миқдори.

2.3. Суғурта мукофоти – Суғурталанувчи Компанияга ушбу Шартномада келишилган тартиб ва муддатларда тўлаши шарт бўлган суғурта учун тўлов.

2.4. Суғурта ҳодисаси – суғурта муддатида содир бўлган, ушбу Шартноманинг 3-бўлимида кўрсатилган таваккалчиликлар юз бериши натижасида 1-иловада келтирилган объектда қурилиш амалга оширилаётганда Суғурталанувчининг (Наф олувчининг) мулккий манфаатларига зарар етиши.

2.5. Суғурта муддати – ушбу Шартнома амалда бўладиган давр. Компания суғурта муддати мобайнида юз берган суғурта ҳодисалари бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

2.6. Суғурта товони – Компания суғурта ҳодисаси содир бўлганда Суғурталанувчининг зарарини қоплаш учун суғурта пулидан ошмайдиган ҳажмда тўлайдиган пул маблағлари миқдори.

2.7. Ходимлар – меҳнат шартномаси (контракти) ҳамда фуқаролик-ҳуқуқий шартномаси асосида Суғурталанувчининг топшириғи ва унинг назорати асосида ишлаётган шахслар.

2.8. Учинчи шахслар – суғурта шартномасида кўрсатилган суғурта ҳодисаси натижасида ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етказилган жисмоний шахслар ҳамда Суғурталанувчи билан шартнома муносабатларида бўлмаган ва мол-мулкига зарар етказилган юридик шахслар. Суғурталанувчи, унинг оила аъзолари, унинг ходимлари ҳамда Суғурталанувчи номидан иш кўраётган жисмоний ёки юридик шахслар учинчи шахс бўлиб ҳисобланмайди.

2.8. Наф олувчи – суғурталанган мулкнинг бут бўлишида қонун, бошқа меъёрий ҳужжат ёки шартномага асосланган манфаати бўлган, фойдасига ушбу Шартнома тузилган шахс.

UZBEKINVEST	Қурилиш таваккалчиликларидан мажбурий суғурта қилиш шартномаси	FK-141_K8_K9_K13Uz
GK 20		Бетлар: 8 дан 2-бет Сана: 10.07.2009й.

3-БЎЛИМ. СУГУРТА ҲИМОЯСИ

3.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 20 декабрдаги 532-сонли Қарорига мувофиқ ушбу Шартномада кўрсатилган муддатлар, шартлар ва истисноларга амал қилган ҳолда Компания қуйидагилар учун суғурта ҳимоясини тақдим этади:

3.1.1. Суғурталанувчининг (Наф олувчининг) мулкӣ манфаатларига бевосита қуйидаги таваккалчиликлардан моддий зарар етказилганда:

- а) ёнғин, чақмоқ, портлаш, учувчи аппаратларнинг кулаши, ўз-ўзидан ёниш;
- б) ўғрилиқ ва учинчи шахсларнинг қасддан содир этган ҳаракатлари;
- в) сув тошқини ва сув босиши, қувурларнинг ёрилиши;
- г) бўрон, довул;
- д) зилзила, сел, кўчки, тупроқнинг чўкиши, ўпирилиш, кулаш;
- е) қисқа туташув, ортиқча кучланиш, электр ёйлари;
- ж) машина ва механизмлар, қурилиш материаллари ва конструкцияларнинг кулаб тушиши;
- и) нуқсонли материаллар ва конструкцияларни онгсиз равишда қўллашдан кўрган зарар;
- к) қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда учинчи шахслар олдида фуқаролик жавобгарлиги пайдо бўлиши.

3.1.2. Суғурта амалда бўлган даврда қурилиш майдонида ёки унга бевосита қўшни ҳудудда ушбу Шартнома билан суғурталанган қурилиш ёки монтаж ишлари оқибатида қуйидагилар натижасида Суғурталанувчининг фуқаролик жавобгарлиги юзага келиши билан Суғурталанувчининг мулкӣ манфаатларига зарар етиши:

- а) учинчи шахсларнинг ҳаёти, соғлиғига зарар етиши;
- б) учинчи шахсларнинг мол-мулкига зарар ёки зиён етиши.

4-БЎЛИМ. УМУМӢЙ ИСТИСНОЛАР

4.1. Ушбу Шартномага мувофиқ қуйидагиларнинг бевосита ёки билвосита натижасида содир бўлган воқеалар суғурта ҳодисаси ҳисобланмайди:

- ҳар қандай уруш ҳаракатлари ёки ҳарбий тадбирлар ва уларнинг оқибатлари, миналар, бомбалар, бошқа уруш қуролларининг таъсири, оммавий тартибсизликлар, иш ташлашлар, террорчилик, ҳарбий ёки бошқа ҳукумат идоралари ёки сиёсий ташкилотларнинг фармойишига биноан мулкнинг мусодара этилиши, қийматини тўлаб бериш шarti билан олиб қўйилиши, ҳибсга олиниши, йўқ қилиниши ёки зарар кўриши;
- ядро портлаши, радиация ёки радиоактив заҳарланиш;
- Суғурталанувчи ёки унинг ходимларининг, ушбу суғурта фойдасига амалга оширилган шахснинг қасддан қилган ҳаракатлари ёки қўпол эҳтиётсизлиги;
- қурилиш объектидаги (суғурта объектида) хатолар, етишмовчиликлар ёки нуқсонлар, агар Суғурталанувчи, ушбу суғурта фойдасига амалга оширилган шахс ёки уларнинг вакилларига бу ҳақда суғурта ҳодисаси юз беришидан олдин маълум бўлган бўлса;
- лойиҳа-смета ҳужжатларида кўзда тутилмаган ишларнинг қисман ёки умуман тўхтатилиши;
- занглаш, чириш, табиий эскириш, ўз-ўзидан ёниши ёки айрим буюмларнинг табиий хусусиятларидан келиб чиққан зарарлар;
- лойиҳа-смета ҳужжатларида кўрсатилмаган тажриба ва тадқиқот ишлари;
- қурилиш техникаси ва транспорт воситаларининг ташқи омил таъсирида келиб чиқмаган ички бузилишлари натижасида зарарланиши.

4.2. Ушбу Шартномага мувофиқ қуйидагилар ҳам қопланмайди:

- объектлар қурилишида фойдаланиладиган нуқсонли материаллар, буюмлар ёки уларнинг қисмларини алмаштириш, тузатиш ёки созлаш қийматини, шунингдек ишларни амалга оширишдаги хатолар қиймати. Ушбу истисно даҳл қилинган нуқсонли материаллар ва буюмлар билангина бевосита чекланиб қолади, аммо материаллар ёки ишлардаги бундай нуқсонлар

UZBEKINVEST	Курилиш таваккалчиликларидан мажбурий суғурта қилиш шартномаси	FK-141_K8_K9_K13Uz
СК 20		Бетлар: 8 дан 3-бет Сана: 10.07.2009й.

натижасида тўғри қурилган объектлар ва буюмларга етказилган зарар қопланишини истисно қилмайди;

- ёнилғи-мойлаш материаллари, кимёвий моддалар, совутувчи суюқликлар ва бошқа ёрдамчи материаллар, суғурта қилинган объект томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот (суғурталанган таваккалчиликлар учун зарур бўлган қурилиш объектларидан ташқари), қимматбаҳо металллар, тошлар, санъат асарлари, ҳужжатлар ва қимматли қоғозларнинг нобуд бўлиши ёки шикастланиши, шунингдек фақат хатлов пайтида аниқланган зарар, бой берилган фойда ёки шартномавий жарималар сингари бирор-бир билвосита зарар.

4.3. Компания Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида кўрсатилган ҳолларда ҳам суғурта товони тўлашдан озод бўлади.

5-БЎЛИМ. СУГУРТА ПУЛИ ВА СУГУРТА МУКОФОТИ

5.1. Ушбу Шартноманинг 3.1.1-бандида кўрсатилган суғурта ҳодисалари бўйича суғурта пули умумий суғурта қийматининг **1 083 471 556,0 (80 фоиздан ошмаган миқдорда)**, яъни **866 777 245,0 (Саккиз юз олтинчи олти миллион етти юз етмиш етти минг икки юз қирқ беш) сўмни** ташкил этади.

5.2. Ушбу Шартноманинг 3.1.2-бандида кўрсатилган суғурта ҳодисалари бўйича суғурта пули **886 777 245,0 (Саккиз юз саксон олти миллион етти юз етмиш етти минг икки юз қирқ беш) сўмни** ташкил этади.

5.3. Ушбу Шартнома бўйича суғурта мукофоти **486 000 (Тўрт юз саксон олти минг) сўмни** ташкил этади.

5.4. Суғурта мукофоти ушбу Шартнома имзолангандан сўнг 5(беш) банк куни ичида бир вақтнинг ўзида тўлиқ тўланади.

5.5. Мазкур шартнома шартлари доирасида 10% франшиза қўлланилади.

6-БЎЛИМ. ШАРТНОМАНИНГ КУЧГА КИРИШИ ВА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

6.1. Ушбу шартнома уни томонлар имзолаган пайтдан эътиборан кучга киради ва **2023 йил «10» январигача** амалда бўлади. Ушбу Шартнома бўйича Компания мажбуриятлари суғурта мукофоти тўлангандан кейин кучга киради ва Суғурта полисида кўрсатилган суғурта муддати мобайнида амалда бўлади.

6.2. Суғурталанувчига Суғурта полиси суғурта мукофоти ёки унинг биринчи қисми Компания ҳисоб рақамига келиб тушгандан эътиборан 3 (уч) банк куни ичида, тўланган давр учун берилади.

Агар Суғурта полисида кўрсатилган суғурта муддати ушбу Шартноманинг 6.1-бандида келтирилган Шартнома муддатидан ошиб кетса, Шартнома муддати Суғурта полисида кўрсатилган муддатга мос равишда узайтирилган ҳисобланади.

6.3. Компаниянинг суғурта товони тўлаш бўйича мажбуриятлари қурилиш, монтаж, ускуналарнинг дастлабки ва ишчи синовлари даври мобайнида амалда бўлиб, объектни фойдаланишга топширгандан сўнг, лекин суғурта муддатининг охиригى санасидан кечикмай тугайди.

6.4. Суғурта мукофоти Компания ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш орқали тўланади. Суғурта мукофоти тўланган кун бўлиб пул маблағлари Компания ҳисоб рақамига келиб тушган кун ҳисобланади.

6.5. Суғурта полиси суғурта мукофоти тўлалигича ёки унинг биринчи қисми тўлангандан сўнг 5 (беш) банк куни ичида у тўланган давр учун берилади. Суғурта полиси йўқолганда, Компания унинг дубликатини Суғурталанувчининг ёзма аризаси асосида беради.

6.6. Агар Суғурталанувчига ва суғурта шартномаси фойдасига тузилган шахсга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ишлар уч ойдан ортиқ бўлмаган даврга тўхтатиб турилса, суғурта шартномасининг амал қилиши томонлар ўртасидаги қўшимча битимга мувофиқ кўрсатиб ўтилган даврга тўхтатиб турилиши мумкин ва у ишлар қайта тикланганда Компанияни бу ҳақда ёзма

UZBEKINVEST	Қурилиш таваккалчиликларидан мажбурий суғурта қилиш шартномаси	FK-141_K8_K9_K13Uz
GK 20		Бетлар: 8 дан 4-бет Сана: 10.07.2009й.

шаклда хабардор қилгандан кейин суғурта муддатини ишлар тўхтатиб турилган даврга узайтирган ҳолда, қўшимча суғурта мукофоти тўловисиз янгидан кучга киради.

6.7. Қурилиш объекти Суғурталанувчига ва суғурта фойдасига тузилган шахсга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра консервация қилинганда Компания суғурта шартномаси бўйича қолган давр учун мутаносиб равишда ҳисоблаб чиқилган суғурта мукофотининг бир қисmini қайтаради.

6.8. Бошқа барча ҳолларда суғурта муддати фақат томонларнинг ахдлашуви бўйича, миқдори томонлар ўртасидаги келишувга кўра белгиланган қўшимча суғурта мукофоти тўланган ҳолда узайтирилиши мумкин.

6.9. Агар ишларни жадаллаштириш натижасида қурилишнинг белгиланган муддати суғурта шартномасида кўрсатилган суғурта муддати тугашидан илгари тугаса суғурта мукофоти қайтарилмайди.

7-БЎЛИМ. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

7.1. Ушбу Шартнома амалда бўлган даврда:

7.1.1. Суғурталанувчининг ҳуқуқлари:

а) Компания билан келишган ҳолда ушбу Шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш;

б) Компаниядан ушбу Шартнома бўйича маслаҳатлар олиш;

в) суғурта полиси йўқолганда унинг дубликатини олиш.

7.1.2. Суғурталанувчининг мажбуриятлари:

а) ушбу Шартномада белгиланган тартиб ва муддатда суғурта мукофотини тўлаш;

б) Компанияни суғурта пули ўзгарганлиги, шунингдек томонлар суғурта тўғрисидаги шартномани имзолашгандан кейин таваккалчиликда бўлган ўзгаришлар тўғрисида хабардор қилиши шарт. Объект қийматини 10 фоиздан зиён кўпайтирувчи ўзгартиришлар Компанияга шартнома шартларини қайта кўриб чиқишни талаб қилиш ҳуқуқини беради;

в) ушбу Шартномани тузаётганда таваккалчилик даражасига таъсир этувчи омилларни аниқлаш учун аҳамиятга эга ҳаққоний ахборотни Компанияга билдириши.

7.1.3. Компания суғурта қуйидаги ҳолларда суғурта товони тўлашдан бош тортишга ҳақли:

а) Суғурталанувчининг ёки фойдасига суғурта шартномаси тузилган шахснинг суғурта ҳодисаси юз беришига қаратилган, исботланган қасддан қилган ҳаракатлари, ўз фуқаролик бурчини адо этиш ёки Суғурталанувчининг ёки учинчи шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва шаънини ҳимоя қилиш билан боғлиқ ҳаракатлар бундан мустасно;

б) Компанияга суғурта объекти, суғурта ҳодисаси ва унинг оқибатлари ҳақида ёлғон маълумотларни тақдим этиш;

в) Компанияни таваккалчиликнинг сезиларли даражада ўзгарганлиги, шунингдек суғурталанувчига ва фойдасига ушбу суғурта амалга оширилаётган шахсга маълум бўлган хатолар, етишмовчиликлар ва нуқсонлар ҳақида хабардор қилмаслик ҳамда Компания ёки унинг вакили зарарнинг тавсилоти, тавсифи ва миқдорини аниқлашда иштирок этишига қаршилик қилганда.

Компания Суғурталанувчи ёки фойдасига суғурта шартномаси тузилган шахс томонидан зарарнинг олдини олиш ва камайтириш чоралари қанчалик амалга оширилмаган бўлса шу меъёردа кўрилган зарарларни тўламасликка ҳақли.

7.1.4. Компаниянинг мажбуриятлари:

а) ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган муддатларда Суғурта полисини бериш;

б) барча зарур ҳужжатларни олиб, воқеани суғурта ҳодисаси деб тан олгандан сўнг ушбу Шартномада келишилган миқдор ва муддатда суғурта товони тўлаш;

в) ушбу Шартнома бўйича Суғурталанувчининг сўровномасига кўра унга маслаҳатлар бериш;

г) Суғурталанувчи/Наф олувчидан ушбу Шартнома амал қилиши даврида олган ахборотни ошкор қилмаслиги, Компания ахборотни давлат идораларига Ўзбекистон Республикаси қонун

UZBEKINVEST	Курилиш таваккалчиликларидан мажбурий суғурта қилиш шартномаси	FK-141_K8_K9_K13Uz
GK 20		Бетлар: 8 дан 5-бет Сана: 10.07.2009й.

ҳужжатларига мувофиқ тақдим этиши шарт бўлган ҳоллар бундан мустасно.

8-БЎЛИМ. СУЎГУРТА ДАЪВОСИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ

8.1. Ушбу Шартномага мувофиқ Компаниядан суғурта товони олиш талабига асос бўлиши мумкин бўлган воқеа рўй берганда, Суғурталанувчи ёки фойдасига суғурта шартномаси тузилган шахс қуйидагиларни амалга ошириши шарт:

а) Компания сўрашини ёки талабини кутмасдан эҳтимолдаги зарарларнинг олдини олиш бўйича барча чораларни кўриш;

б) Компанияни 7 календарь кунидан кечиктирмасдан содир бўлган воқеа ҳақида ёзма шаклда хабардор қилиш;

в) Компанияга ушбу мол-мулкка нисбатан бошқа суғурта ташкилотлари билан тузилган шартномалар ҳақида ёзма равишда хабар қилиш;

г) мутасадди идораларни имкон қадар дарҳол, лекин 48 соатдан кечиктирмасдан хабардор қилиш.

8.2. Компания даъвони кўриб чиқиши учун Суғурталанувчи қуйидагиларни амалга ошириши шарт:

- ўз сарф-харажатлари ҳисобидан Компания талаб қилиши мумкин бўлган йўқотиш, бузилиш ёки зарар кўришнинг барча тавсилотларини ҳамда сабаби ва миқдорининг исботини тақдим этиши;

- барча режалар, таснифлар, топшириқномалар, дубликатлар ёки нусхаларни ҳамда суғурта ҳодисаси бошланиши ҳолатлари ва сабаблари тўғрисида хулоса чиқариш имконини берувчи бошқа зарур ҳужжатларни Компанияга тақдим этиши.

Суғурталанувчи имкон қадар шикастланган мол-мулки ва ҳодиса рўй берган жой Компаниянинг вакиллари томонидан кўздан кечирилгач ҳамда суғурта ҳодисаси оқибатларини бартараф этиш бўйича хатти-ҳаракатлар Компания билан ёзма равишда келишиб олингандан кейин суғурта ҳодисаси оқибатларини бартараф этишга (алмаштиришга, тузатишга) киришиши мумкин.

8.3. Компания хабарномани олгандан сўнг 3 (уч) кун мобайнида объектни кўриқдан ўтказиши шарт.

8.4. Суғурталанувчининг ёзма аризаси олингандан сўнг ва суғурта товони тўлаш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун зарур бўлган барча ҳужжатлар олингандан кейин комиссия тузилади, комиссия таркибига Суғурталанувчининг ва Компаниянинг вакиллари, шунингдек, зарурат бўлганда, манфаатдор шахс ҳисобидан ваколатли ташкилотларнинг вакиллари киритилади.

8.5. Компаниянинг вакиллари вазиятни, зарар характерини ва миқдорини аниқлаш учун суғурта ҳодисаси содир бўлган жойга эркин кира олиши ҳамда Суғурталанувчи ва суғурта шартномаси фойдасига тузилган шахснинг тегишли ҳужжатларидан бемалол фойдалана олиши керак.

Компания ва Суғурталанувчи ўртасида вазиятлар, зарарнинг характери ва миқдори бўйича келишмовчиликлар бўлган тақдирда масала эксперт комиссияси томонидан ҳал қилинади.

Ҳар қайси томон ўз экспертини тайинлайди ва бу ҳақда иккинчи томонни хабардор қилади ҳамда ўз эксперти хизматига ҳақ тўлайди.

Ушбу шарт томонларнинг келишмовчиликларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шаклларда ҳал этиш бўйича ҳуқуқларини чекламайди.

9-БЎЛИМ. ҚОПЛАШ ТАРТИБИ

9.1. Нобуд бўлган мол-мулк учун суғурта товони уни тўлаш ёки суғурта ҳодисаси вақтида уни алмаштириш қийматидан камроғи билан чекланади.

Шикастланган мол-мулкни тузатиш харажатлари унинг ҳақиқий қийматидан ёки суғурта ҳодисаси вақтидаги алмаштириш қийматидан ортиб кетган тақдирда у нобуд бўлган деб ҳисобланади.

UZBEKINVEST	Қурилиш таваккалчиликларидан мажбурий суғурта қилиш шартномаси	FK-141_K8_K9_K13Uz
GK 20		Бетлар: 8 дан 6-бет Сана: 10.07.2009й.

9.2. Компания зарарни бартараф этиш ёки камайтириш мақсадида қилинган харажатларни, агар ушбу зарар ушбу Шартнома шартларига кўра тўланиши керак бўлса, тўлайди.

9.3. Компания шунингдек суғурта ҳодисасидан кейин ҳудудни тозалаш билан боғлиқ оқилона харажатларни ҳам тўлайди, бироқ у суғурта мукофотининг 2 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

9.4. Агар бир суғурта ҳодисаси натижасида суғурта шартномаси фойдасига тузилган бир нечта шахсга зарар етган бўлса, умумий суғурта товони миқдори ушбу шахслар ўртасида ҳар қайси шахс кўрган зарарнинг умумий зарар суммасидаги миқдорига муносабат равишда тақсимланади.

9.5. Агар зарар уни етказишда айбдор бўлган шахс томонидан тўлиқ қопланган бўлса, Суғурталанувчи суғурта товонига бўлган ҳуқуқини йўқотади.

Агар зарар тўланадиган суғурта товонидан камроқ миқдорда ундирилган бўлса, у ҳолда у Суғурталанувчига етказилган зарар учун жавобгар шахсдан олинган суммани ҳисобга олган ҳолда тўланади.

9.6. Суғурта товони тўлангандан кейин Суғурталанувчи ёки фойдасига суғурта шартномаси тузилган шахс етказилган зарар учун жавобгар шахсларга нисбатан зарарни тўлашни талаб қилиш ҳуқуқи тўланган сумма доирасида Компанияга ўтади. Суғурталанувчи барча ҳужжатларни Компанияга беришга ва айбдор шахсга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқини амалга ошириш учун зарур бўлган барча ҳатти-ҳаракатларни амалга оширишга мажбур.

10-БЎЛИМ. ШАРТНОМАНИНГ БЕКОР ҚИЛИНИШИ ВА ТЎХТАТИЛИШИ

10.1. Ушбу Шартнома томонлардан бирининг ёзма аризасига мувофиқ исталган пайтда бошқа томонни бекор қилиш мўлжалланаётган санадан камида 30 (ўттиз) кун олдин хабардор қилиш шarti билан бекор қилиниши мумкин. Аммо ушбу Шартноманинг бекор қилиниши Наф олувчиларнинг/учинчи томоннинг манфаатларига дахлдор бўлган ҳоллар бундан мустаснодир.

10.2. Компания ўз мажбуриятларини бузганлиги муносабати билан Суғурталанувчи ушбу Шартномани муддатидан олдин бекор қилинишини талаб қилганда, тўланган суғурта мукофотининг ҳаммаси қайтарилиши лозим. Акс ҳолда суғурта мукофоти қолган суғурта муддати учун, Компаниянинг харажатларини чегириб қолган ҳолда қайтарилади.

10.3. Суғурталанувчи ўз мажбуриятларини бузганлиги туфайли Компания ушбу Шартномани муддатидан аввал бекор этилишини талаб қилганда тўланган суғурта мукофоти қайтарилмайди.

10.4. Ушбу Шартнома куйидаги ҳолларда тўхтатилади:

а) муддати тамом бўлганда; Суғурта шартномаси муддати тамом бўлгунга қадар суғурта ҳодисаси бўйича жавобгарлик Суғурталовчи зиммасида бўлади.

б) Компания Суғурталанувчи олдидаги мажбуриятларини тўлиқ ҳажмда бажариб бўлганда;

в) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

11-БЎЛИМ. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

11.1. Ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгардирлар.

11.2. Компания суғурта товони тўлаш бўйича ўз мажбуриятларини бажариш муддатини ўтказиб юборганлик учун Суғурталанувчига тўлов муддати ўтган ҳар бир кун учун, тўланиши керак бўлган суғурта товони суммасининг 0,15 фоизи миқдорида, лекин тўланиши керак бўлган сумманинг кўпи билан 10 фоизи миқдорида неустойка тўлайди.

11.3. Агар томонларнинг ушбу Шартномадаги ўз мажбуриятларини бажармаслигига енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) сабаб бўлса, томонлар жавобгарликдан озод бўладилар. Енгиб

UZBEKINVEST	Курилиш таваккалчиликларидан мажбурий суғурта қилиш шартномаси	FK-141_K8_K9_K13Uz
GK 20		Бетлар: 8 дан 7-бет Сана: 10.07.2009й.

бўлмайдиган куч таъсирида бўлган томон бошқа томонни ана шундай ҳолат юзага келгани ва унинг таъсири яна қанча давом этиши мумкинлиги ҳақида зудлик билан хабардор қилиши шарт.

12-БЎЛИМ. БАҲСЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

12.1. Ушбу Шартномада назарда тутилган ёки у билан боғлиқ масалалар бўйича баҳслар, талаблар ёки келишмовчиликлар юзага келган тақдирда томонлар уларни музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал қилиш чораларини кўрадилар.

12.2. Ушбу Шартномадан келиб чиқувчи ёки у билан боғлиқ, шу жумладан унинг бажарилишига, бузилиши, тўхтатилиши ёки ҳақиқий эмаслигига тааллуқли баҳслар, келишмовчиликлар ёки талабларни музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал қилишнинг имкони бўлмаганда улар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

13-БЎЛИМ. БОШҚА ШАРТЛАР

13.1. Ушбу Шартнома шартлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида сақлаш учун қўйилган 8, 9, 13-класслар бўйича Суғурта қоидалари ва суғурта шартномаларининг намуна шакллари асосида ишлаб чиқилган.

13.2. Ушбу Шартномага киритиладиган ҳамма қўшимчалар ва ўзгартиришлар, шунингдек унинг муддатини узайтириш ҳамда тўхтатиш ёзма равишда амалга оширилиши лозим.

13.3. Томонларнинг ушбу Шартномада баён этилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

13.4. Ушбу Шартнома бир хил юридик кучга эга, томонларнинг ҳар бирида бир нусхадан сақланадиган 2 (икки) нусхада тузилди.

Компания номидан

“UZBEKINVEST” EISK AJ
Farg’ona viloyati filiali
 Manzili: Fag’ona sh. Qomus ko’chasi 26A-uy
 tel: 73-244-00-08
 h/r 2021 6000 4005 9868 2053
 “UzMilliy Bank” Farg’ona viloyat filiali
 MFO 00493 STIR: 201 222 058

Суғурталанувчи

“Bunyodkor Maxsus Invest” XK
 Quvasoy shahar. A.Azizov 225/52
 INN: 306070645
 MFO: 01128
 x/r: 2020 8000 4009 9118 5001

ТОМОНЛАРНИНГ ИМЗОЛАРИ:

Менежер



Ф.Муратов

Директор



A.Murzayarov

м.у.

м.у.

UZBEKINVEST	Қурилиш таваккалчиликларидан мажбурий суғурта қилиш шартномаси	FK-141_K8_K9_K13Uz
GK 20		Бетлар: 8 дан 8-бет Сана: 10.07.2009й.

2022 йил «03» октябрдаги
13-00/0191178219 -сон
Қурилиш таваккалчиликларидан
мажбурий суғурта қилиш
шартномасига 1-илова

Суғурталанувчининг номи ва манзили:	“Bunyodkor Maxsus Invest” ХК
-------------------------------------	------------------------------

1. Моддий зарар

№	Суғурталанаётган предметлар	Суғурта пули, сўмда
1	2	3
1	Қурилиш ишлари (якуний ва дастлабки, шу жумладан бунинг учун фойдаланиладиган материаллар)	Фарғона вилояти, Ўзбекистон тумани, Октепа МФЙда Сарбон кўчаси, 29-уйда жойлашган 24-сонли умумтаълим мактаби филиали худудида бўш ер майдонида 90 ўринли ўқув бино қурилиши
1.1	Қурилишнинг шартнома қиймати	1 083 471 556,0
1.2	Қурилиш материаллари ёки буюртмачи етказиб берадиган қурилиш материаллари	
Умумий суғурта қиймати: 866 777 245,0 (Саккиз юз олтинчи олти миллион етти юз етмиш етти минг икки юз қирқ беш) сўм		
Моддий зарар бўйича суғурта пули: суғурта қийматининг (80 фоиздан ошмаган миқдорда), яъни 886 777 245,0 (Саккиз юз саксон олти миллион етти юз етмиш етти минг икки юз қирқ беш) сўм		

2. Жавобгарлик 20 000 000 (йигирма миллион) сўм

Т.р.	Таваккалчилик	Қоплама лимити, сўмда
1	2	3
1	Қурилиш-монтаж ишларини олиб боришда учинчи шахслар олдида фуқаролик жавобгарлиги таваккалчилиги	20 000 000 (йигирма миллион) сўм

ТОМОНЛАРНИНГ ИМЗОЛАРИ:

Менежер

Директор

Ф.Муратов

М.ў.

А.Мурзаяров

М.ў.